

# ЎЗБЕКИСТОН



## OVOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

• 2007-yil • 5-iyul • Payshanba • 79 (27.724) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



16 МУСТАФИЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

«Ўзбекистон овози»нинг «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишидаги мухбирлик пунктидан махсус мухбиримиз **Абдумалик Ҳайдаров** хабар қилади

## ДУНЁНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ




Айни кунларда Дарбанд, Шўрб, Ократбдаги «Тошкент», «Самарқанд», «Бухоро», «Қарши» ва бошқа йиғирмага яқин участкаларда иш қизғин. Хар бир лаҳзани ганимат билган кўприксоз, қурувчи, ҳайдовчи-ю йўлсозлар иншоотни қисқа фурсатларда ишга тушириш учун кеча-ю кундуз тер тўкишмоқда.

— Ун беш кунлик ҳордикдан келаямиз, — дейди бургуловчи Абдусаттор Қўчқоров. — Бугун яна иш бошлаймиз. Ҳозир қурилишнинг энг мураккаб жараёни амалга ошмоқда. Сўл томондаги тоғларга назар ташланг. Шуни қоқ белидан кесиб, пўлат из тўқизишимиз керак.

2-бет



Ҳозир қурилишнинг энг мураккаб жараёни амалга оширилмоқда. Хар кун 150-200 куб метр бургулаш ишлари бажарилмоқда. Бундан ташқари, яна 12 та ҳудудда шундай жараён давом эттириляпти.



## ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 июль куни Оксаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванович қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин 2004 йилда Стратегик шериклик, 2005 йилда эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Бу ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни хар томонлама ривожлантириш учун мустақкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Бугун Ўзбекистон — Россия муносабатлари барча соҳаларда жадал ривожланмоқда. Бу йўналишдаги бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Экспорт ва импортнинг таркиби кенгайиб, салмоғи ортиб бормоқда. Утган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олди. Бу 2005 йил кўрсаткичидан 3 қарра кўп демакдир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосан машинасозлик, ёғочни қайта ишлаш, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, электротехника ва фармацевтика каби соҳаларда жадал ривожланмоқда. Нефть-газ, тоғ-кон саноти, қора ва рангли металлургия ҳам устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастурий таъминот, машинасозлик, кимё, қурилиш мате-

риаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларнинг истиқболи порлоқ.

Шунингдек, сармовий ҳамкорлик кенгаймоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Россия сармоия иштирокида тўрт юз элликдан зиёд, Россияда Ўзбекистон сармоия билан ун юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида харбий ва харбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ҳам амалда. Бу йўналишдаги алоқалар харбий маҳсулотлар етказиб бериш, харбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, қишлоқчилик тўғрисида бўйича давлатлараро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва Россия Президентлари кейинги даврда икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик фаолияти бораётгани муносабати билан ҳамда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ўшбу органнинг мақомини кўтаришга келишиб олдилар. МДҲнинг яқинда Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммити чоғида Владимир Путин маъруза қўшма комиссияга Россия Федерацияси томонидан ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари С.Иванов

ҳамраис бўлишини маълум қилди.

— Президент Владимир Путиннинг ўшбу қарори Россиянинг Ўзбекистон билан муносабатларга муҳим аҳамият бериб, ўзаро ҳамкорлик суръатини янада оширишга интиляётганидан далолатдир, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон — Россия муносабатлари жадал ривожланмоқда, алоқалар ўзаро ишончга асосланган, ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ, Сиз раҳбарлик қилаётган делегациянинг таркиби ҳам Россияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга иштиёқ кучли эканлигини кўрсатади. Тошкентда ўтадиган музокаралар самардор натижалар билан якуланишига ишонамиз.

С.Иванов Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифдан қўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришнинг анги имкониятларини кўриб чиқишдан иборат эканлигини таъкидлади. Хусусан, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорлини янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизқитириган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр машинашди.

(ЎЗА)

СЕРГЕЙ ИВАНОВ:

## ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ — РИВОЖЛАНГАН ВА БАРҚАРОР

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванович 4 июль куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.

Икки мамлакат ҳукуматларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Ўзбекистон ва Россиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, энергетика, нефть-газ, транспорт коммуникациялари, меболазлик, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирилик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқили-энергетика мажмуи ва авиасаноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ёқили-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш, геология-разведка, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш, энергия манбаларини ташвиш каби тадбирларни кўзда тутди. Авиасозлик соҳасида эса икки мамлакат ҳамкорликда самолёт ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланади.

Музокараларда қишлоқ тадқиқотлари, атом энергетикаси, банк-молия, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорлини кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан эканлини алоҳида таъкидлаб, Россия мамлакатимиз билан савдо-сотиқ ҳажминини янада оширишдан манфаатдор эканлигини қайд этди. Унинг таъкидлашча, Россия Ўзбекистон иқтисодиётига киритаётган сармоя ҳажминини янада кўпайтириш ниятида.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қарийб барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, солиқчилик, фармация, сизик-оватқ, ёғочни қайта ишлаш саноти, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика ва электротехника каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ёқили-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ТОШКЕНТ — ҚОҲИРА

ҲАВО КўПРИГИ ОЧИЛДИ

Самога кўтарилган «Бухоро» қанотлари остида Тошкент гўзал ва сеҳрли шаҳар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган замонавий иншоотлар, катта йўллар, кўприклар... беихтиёр фахр-ифтихор ҳиссини туюсан.

3 июль куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Тошкент — Қоҳира йўналиши бўйича янги халқаро қатнови шундай бошланди.


Маълумки, қадим цивилизация бешиклари бўлган икки мамлакат — Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги узоқ тарихга бориб тақаладиган, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланган анъанавий дўстлик, ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Юртбошимизнинг жорий йил 17-19 апрель кунлари Миср Араб Республикасига расмий ташрифи ўзаро ҳамкорликини барча соҳада янги поғонага олиб чиқишга хизмат қиладиган натижалар билан аяқланди. Жумладан, 15 та ҳужжат имзоланиб, ишбилармонлар ўртасида қўллаб қўллашларга эришилганининг ўзи ҳам натижанинг нечоғли салмоқли эканлигидан далолатдир.

Беш ярим соатлик парвоздан сўнг миллий авиакомпаниясининг «А-310» самолёти Қоҳира халқаро аэропортига оҳиста кўнди.

Аэропортида Ўзбекистонлик меҳмонларни Миср авиацияси ходимлари, кенг жамоатчилиқ, мамлакат оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳушнудлик билан қутиб олишди. Янги қатнов очилиши тақдиримизда ҳозир бўлганлар Тошкент — Қоҳира ҳаво йўналишининг очилиши мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилишини билдиришди.

Алишер РЎЗИЕВ  
Тошкент — Қоҳира — Тошкент.

## Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



## «SEDAT TRIKO» — ХОРИЖНИ КЎЗЛАМОҚДА

Тошкентдаги «Sedat TRIKO» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси масъуляти чекланган жамияти трикотах маҳсулотлари ва газламалари тайёрлашга ихтисослашган. Корхона ўтган йил апрелда ишга туширилган бўлса, ҳозиргача 50 миллион 256,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Яқинда хорижга 300 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни етказиб бериш юзасидан шартнома тузилди.

— Корхона очилган пайтда атиги тўрт киши иш бошлаганмиз. Айни пайтда корхонада 40 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти, — дейди қўшма корхона раҳбари, туркиялик мутахассис Исмоил Йилмаз. — Яқин келажакда улар сони 100 нафардан ошиб кетади. Негаки, корхона маҳсулотларига бўлган талаб тобора

## ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустақкам таянчи

## АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ

ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, хотин-қизларни жамиятда тутган ўрнини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаоллиги ошишига кенг имкон яратмоқда. Бугунги давр аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини фуқаролик жамиятининг муҳим омилига айлантириши талаб қилади. Ўзбекистон ХДП ўшбу мақсадлар ва ўз Дастурида белгиланган устуворликлардан келиб чиқиб барча даражадаги партия кенгашилари қошида «Фаол аёллар» қанотини ташкил этган. Бугун давр «Фаол аёллар» қаноти сафарига гайратли, талабчан, билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган аёлларни жалб қилишни тақозо этади. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ва Хоразм вилоят кенгашилари қошидаги «Фаол аёллар» қаноти конференцияларида ана шу масалалар муҳокама этилди ва келгуси вазифалар белгилаб олинди.

(Давоми 2-бетда)



СЕРГЕЙ ИВАНОВ:

# ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ — РИВОЖЛАНГАН ВА БАРҚАРОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада кўтарилиши кутилмоқда. Ўзбекистондан Россияга ҳомашё ва ярим ҳомашё маҳсулотлар қаторида асбоб-ускуна, транспорт воситалари ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз sanoati маҳсулотлари импорт қилинади.

Учрашувда, шунингдек, мудофаа ва хавфсизлик, миграция соҳаларидаги ҳамкорликка доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Музокаралар якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистонда Россия ва Россияда Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат фаолияти ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, ноқонуний миграцияга қарши кураш борасида ҳамкорлик ҳақидаги, рeaдмиссия тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Иордания буюртмаси бўйича Ил-76М русумли самолётларни етказиб беришга оид шартнома имзоланди.

С.Иванов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда таширф доирасидаги музокаралар самарали кечганини, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Музокараларимиз натижаларидан мамнунмиз, — деди Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари. — Ўзбекистон бозорини яхши ривожланган ва барқарор бозор сифатида эътироф этамиз. Сўнгги ойлarda мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 46,9 фоиз ўсди. Бу яхши кўрсаткич, албатта, лекин ҳали мамлакатларимиз салоҳияти тўла ишга солингани йўқ. Тошкентда ўтган музокаралар асосида Ўзбекистонга қўшимча сармоя киритиш борасида келишиб олдик.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири

# ДУНЁНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар куни 150-200 куб метр бурғулаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари яна 12 та ҳудудда шундай жараён кетаяпти. Яқин кунларда метиндек қоялар ўрнида текис ва раван «йўлакча» ҳосил бўлади.

«Термиз — Тошкент» катта автомобиль йўлидан ўтган... Олисдан шапқасини бостириб кийиб олган киши кўринди. У шошилаётгани чоғи, қадамларини катта-катта ташларди.

нинг ҳақиқий фарҳодлари, уларнинг ҳар бирини йирик харфларда қахрамон, деб ёзаверинг. Соат 14 да бўладиган йилгишимизда албатта қатнашинг. Шунда кунлик жараёнлардан хабардор бўласиз...



Ҳозир жуда қизғин пайт... Темир йўли курилишининг Шўробдаги асосий штабидамиз. Салқин, шинам, ўзига хос қароргоҳдан гир-гир шабада эсиб турибди. Техника саройидаги «КамАЗ»лар ишга чиқишга шай. Ошпазлар тушликка тайёргарлик кўришмоқда.

Ун километрдан ортиқ ҳудудда 2 минг нафардан зиёд бунёдкор ҳамда ўнлаб замонавий техникалар ишляпти, — ҳикоя қилади темир йўли курилиши бошқармаси бошлиғи Азимбой Қурбонов.

«Тетрагон — борлиқнинг тўрт ўлчоғи» кўргазмасида Зебо Шарипова, Фаррух Аҳмадматов, Темир Аҳмедов, Бобур Исмоилов каби рассомларнинг рангтавсирда ишланган сара асарлари намойиш этилмоқда.

## Маҳалла ва партия ташкилоти

# ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМ БЎЛСА

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Китоб шаҳридаги Санъат саройида Шаҳрисабз, Яқабоб, Чироқчи туманлари партия фаоллари, депутатлар, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари иштирокида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Ҳозир жуда қизғин пайт... Темир йўли курилишининг Шўробдаги асосий штабидамиз. Салқин, шинам, ўзига хос қароргоҳдан гир-гир шабада эсиб турибди.

Рашид МУРТОЗАЕВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Мен етти йил мобайнида «Маҳалла» хайрия жамғармаси Қарши шаҳар кенгашига ҳам раҳбарлик қилганман. Ҳозир шаҳардаги 62 маҳалладан 56 тасига партияимиз фаоллари етакчилик қилишмоқда.

Санжар ҚУРБОНОВ, ЎзХДП Китоб туман кенгаши раиси:

— Туманимизда бугун 2516 нафар ХДП аъзоси бор. Шу йилнинг ўтган даврида 78 нафар янги аъзо қабул қилинган бўлса, уларнинг асосий қисми ёшлардир. 38 та кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг 32 тасига партияимиз фаоллари раҳбарлик қилишмоқда.

Очигини айтсам, ҳудудий ташкилотимиз атрофидаги 43 нафар партия аъзоси маҳалланинг энг фаолларидир. 2003 йилнинг 27 мартда «Маҳаллани ривожлантириш кенгаши» тизилди. Кенгаш нодавлат нотихорат ташкилотлари кўмағида айрим лойиҳаларни амалга оширди.

Мансур ОСТОНОВ, ЎзХДП Шаҳрисабз туман кенгаши раиси:

— Мен бу таърибаларнинг анчагинасини туманимизда татбиқ этиш ҳақида ўйлаб турибман. Биз одамлар билан ишлашимиз керак. Лекин қандай қилиб? Қайси усул ва воситалар ёрдамида? Уларнинг ишончини қозонишнинг самарали йўллари нималардан иборат? Партиядошларим фикрларидан бу борада янги-янги

## «ПИЛЛАНИНГ ЎГИРЛАНИШИ»

Пойтахтимиздаги Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкнинг тасвирий санъат галереясида «Тетрагон — борлиқнинг тўрт ўлчоғи», «Пилланингни ўғирланиши» номли санъат кўргазмалари давом этмоқда.

«Тетрагон — борлиқнинг тўрт ўлчоғи» кўргазмасида Зебо Шарипова, Фаррух Аҳмадматов, Темир Аҳмедов, Бобур Исмоилов каби рассомларнинг рангтавсирда ишланган сара асарлари намойиш этилмоқда.

Жамол Усмонов ва Юрий Усеиновнинг асарлари эса «Пилланингни ўғирланиши» номли кўргазмада муҳасам бўлган. Уларнинг ижод намуналарида Буюк ипак йўли мавзуси акс этган бўлиб, улар гипс, ёғоч, газлама каби ҳомашёлардан тайёрланган. Кўргазма 22 июлгача давом этади.

Мухаддас ЁҚУБОВА.

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Ўртабосимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Хусусан, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ҳар томонлама қулай ва шинам тиббиёт масканлари сони тобора ортиб бораётти.

«Тетрагон — борлиқнинг тўрт ўлчоғи» кўргазмасида Зебо Шарипова, Фаррух Аҳмадматов, Темир Аҳмедов, Бобур Исмоилов каби рассомларнинг рангтавсирда ишланган сара асарлари намойиш этилмоқда.



Козим ҲАММОНОВ оingan суратлар

## ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

# АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конференцияларда ўтган давр мобайнида «Фаол аёллар» қаноти тамонидан қилинган ишлар сарҳисоб этилиб, йўл кўйилган камчиликлар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Улар «Фаол аёллар» қанотининг вазифалари, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуришда хотин-қизларнинг ролини, сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёш

болали, кўп фарзандли аёлларни давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, ўз муаммоларини дадил кўтариб чиқиш, уни ечиш борасида ташаббускор бўлиш каби кўплаб тақлифларни илгартирилди.

фан ходимлари касаба уюшмаси раиси Муяссар Раҳимова Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ва Хоразм вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раислари этиб сайланди. Шунингдек, конференцияларда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ва Хоразм вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қанотларининг умумреспублика конференциясига делегатлари сайланди.

Алписбой ИБАДУЛЛАЕВ, Рўзминбой ҲАСАН.


## ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хива туман кенгаши Компьютер технологиялари касб-хунар коллежи талабаларининг Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ҳақрамони Вера Пак, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ва бир гуруҳ партия фаоллари билан учрашувини ташкил этди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида қабул қилинаётган қонунлар ва мезъорий ҳужжатлар, икки палатали парламент фаолияти борасида атрофлича тўшуналар беришди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида хайрия ташкил этди. Жумладан, Хонобод кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногиронлари Қодиржон Фаёзов, Гулзодаҳон Одилова, Қатортол ҚФидан Ҳабибахон Бобораҳимоваларга ногиронлик аравачалари, зичитиш мосламалари берилди. Шунингдек, Ёзёвон шаҳарчасида яшовчи жисмоний имконияти чекланган 12 нафар ЎзХДП аъзолари зарур протез-ортопед мосламалари билан таъминланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Банк ва мижоз



Акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Наманган вилоят бошқармаси жамоаси кейинги йилларда тизимдаги энг илгор молия муассасаларидан бирига айланиб қолди. Негаки, бу ерда мижозларга намунали хизмат кўрсатилаётгани тўғрисида фермерлик ҳаракати ҳам, кичик ва хусусий бизнес ҳам ривожланиб бораёпти.

кил этиб, шундан 5025 таси фермер ҳўжаликлари ҳисобига тўғри келади. Банк бўлимлари-

дорда белгиланган муддатларда қайтарилган. Кишлоқ ҳўжалиги корхонала-

# НАМУНАЛИ ХИЗМАТ —

## АТ «ПАХТА БАНК» НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

да хизмат кўрсатиладиган фермер ҳўжалиқларининг 2957 таси пахта ва галла ҳосили етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар соҳада агротехник тадбирларни ўз мuddатида бажарилиши, минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари билан ўзлаштириш таъминланиши, кишлоқ ҳўжалигида банд бўлган ходимларга иш ҳақи тўловларининг амалга оширилиши ҳамда шартномаларда белгиланган пахта ва галла етиштириш режалари бажарилишида муҳим омиллардан бири бўлди. 2007 йил давомида банк томонидан галла ҳосили етиштириш учун ажратилган 3 млрд. 923,9 млн. сўм ҳамда пахта ҳосили харажатлари учун ажратилган 14 млрд. 543,5 млн. сўм имтиёзли кредит ресурслари ҳам тўла ўзлаштирилди.

бўлимларида хизмат кўрсатиладиган кишлоқ ҳўжалиги корхоналарига 19 дона «Т-4 А» ҳайдов трактори, 70 дона «ТТ-80-11» ва «ТТ-80-10» чопиқ трактори, 40 дона трактор тиркамаси, 7 дона «СЧ-46» севалкаси, 16 дона култиватор, 30 та «ОВХ-600» пулкагичи, 456 дона борона банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан етказиб берилди ва шу мақсадларга 2 млрд. 178 млн. сўм банк кредити йўналтирилди.

Ҳўжалик субъектларида айланма маблағларнинг етишмаслиги ёки замонавий техникалар харид қилишда молиявий имкониятларнинг чекланганлиги муаммоси лизинг орқали ҳал этилмоқда. «Пахта банк» Наманган вилоят бошқармаси томонидан туман машина-трактор парклари ва фермер ҳўжалиқларига 21 дона қиймати 3

млрд. 423,3 млн. сўм бўлган «Класс Доминатор» комбайни лизинг ва кредит орқали олиб берилди. Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан кишлоқ ҳўжалиги учун минитехнология ва ихчам ускуналарнинг халқроқ ихтисослаштирилган «Агроминтех Экспо-2006» кўргазма савдоси ўтказилган эди. Мамлакатимизда илк бор ўзлаштирилган кўргазма наманганлик фермерларга яхши таассурот қолдирди. Уларнинг айримлари янги минитехникалар сотиб олиш учун «Пахта банк» вилоят бошқармасига мурожаат қилишган ва банк уларга молиявий мадд кўрсатилди.

Шу йилнинг май ойида «Ўзэкспомарказ»да ушбу савдо кўргазмаси иккинчи маротаба ўтказилди. Бу гал кўлаб наманганлик ишбилармонлар ва тадбиркорлар минитехникалар сотиб олиш учун хорижий шериклар билан шартномалар тузишди. Банк бошқармаси 21 нафар мижозга 91 млн. сўм аж-






ОСИЁ КУБОГИ: ИМКОНИАТИМИЗ ҚАНДАЙ?



ЯНА САНОҚЛИ КУНЛАРДАН СЎНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БОШЛАНАДИ



Жаҳон футбол тарихида илк мартаба қиёса чемпионати бир йўла тўрт мамлакат — Индонезия, Таиланд, Малайзия ва Вьетнамда ўтказилмоқда.

Чемпионатнинг «А» гуруҳи учрашувлари Таиланд мезбонлиги қилмоқда.

Ханойда ўтказиладиган «В» гуруҳи баҳсларида Вьетнам, Япония, Қатар ва Бирлашган Араб Амироликлари футболчилари ўзаро куч синашадилар.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси жой олган «С» гуруҳи учрашувлари Куала-Лумпурда бўлиб ўтади.

Курьёга қўра, «Д» гуруҳидан Индонезия, Баҳрайн, Жанубий Корея, Саудия Арабистони терма жамоалари жой олган.

7 июль куни бошланган мазкур нуфузли мусобақа голиб ва совриндорлари номи 29 июлда аниқланади.

Учрашувлар таквими

«А» гуруҳи, Бангкок
7 июль, Таиланд — Ироқ
8 июль, Австралия — Уммон

«В» гуруҳи, Ханой
8 июль, Вьетнам — БАА
9 июль, Япония — Қатар

«С» гуруҳи, Куала-Лумпур
10 июль, Малайзия — Хитой
11 июль, Эрон — Ўзбекистон

«Д» гуруҳи, Жакарта
10 июль, Индонезия — Баҳрайн
11 июль, Жанубий Корея — Саудия Арабистони

ЧОРАК ФИНАЛ

21 июль, Бангкок
«А» гуруҳи голиби — «В» гуруҳи иккинчи жамоаси
21 июль, Ханой

22 июль, Куала-Лумпур
«С» гуруҳи голиби — «Д» гуруҳи иккинчи жамоаси
22 июль, Жакарта

25 июль, Куала-Лумпур
1-жувфтлик голиби — 3-жувфтлик голиби
25 июль, Ханой

2-жувфтлик голиби — 4-жувфтлик голиби
3-ўрин учун
28 июль, Палембанг (Таиланд)

ФИНАЛ
29 июль, Жакарта

МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

ШУ ЙИЛ 14-17 ИЮЛЬ КУНЛАРИ НАМАНГАНДА «ТҶМАРИС АЁЛЛАР» РЕСПУБЛИКА СПОРТ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАДИ

— Истиклол йилларида Наманганда барпо этилган энг замонавий ва кўркам иншоотларнинг аксарияти спорт масканларидир, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нозимжон Мамажонов.

Кейинги йилларда нафақат республика миқёсидаги, балки қатор нуфузли халқаро мусобақаларга мезбонлик қилиб келадиган Наманган шаҳрида айни кунларда «Тўмарис аёллар» Республика спорт фестивалига пухта ҳозирлик қўрилади.



сингари турлари бўйича уюштириладиган мазкур баҳсларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 364 нафар иштирокчи қатнашиши кутилмоқда.

Дастлаб маҳалла ва меҳнат жамоалари, сўнгра шаҳар ҳамда вилоятлар миқёсида ўтказилган босқичлардан сараланган спортчи аёлларнинг аксарияти уй бекаларидир.

Носиржон ДҶҲОҶОНОВ, Эркин ХОЛБОБОВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ САМАРҚАНД «САХОВАТ УЙИ»

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Самарқанд шаҳри, Жомий кўчаси, 63-уйдаги «Саховат уйи» биносини капитал таъмирлаш (2-корпус ва том ишлари).

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Жомий кўчаси, 63-уй, телефон: (8-366) 235-26-80.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлари)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўтшаб иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муоамала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 233-32-00, факс: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охириг мuddати — оферталар очилиш куни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида, соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Агрономия факультети
— агрономия;
— агрохимё ва агроупроқшунослик;
— қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекцияси;
— ўсимликлар ҳимояси ва карантин;
— ўрмончилик;
— ипакчилик;
— касб таълими (агрономия).

- защиялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш факультети
— қишлоқ хўжалигини механизациялаш;
— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси.

- қорақўлчилик факультети
— ветеринария;
— зоотехния (тармоқлар бўйича);
— касб таълим (ветеринария);
— касб таълими (зоотехния).

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- Ректор номига ариза;
— ўрта ёки махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
— 086—У шаклдаги тиббий маълумотнома;
— 3,5x4,5 см ҳажмида 6 та фотосурат;
— паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

МАГИСТРАТУРА мутахассисликлари бўйича:

- пахтачилик;
— умумий деҳқончилик;
— сабзавотчилик;
— иқтисодийёт (соҳалар бўйича);
— бухгалтерия ҳисоби (соҳалар бўйича);
— деҳқончиликни механизациялаш;
— наслчилик ишлари;

- агрохимё;
— кинология ва ит касалликлари;
— қорақўлчилик;
— ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш;
— ветеринария жарроҳлиги;
— ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси;
— паразитар касалликлар.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;
— олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;
— 086—У тиббий маълумотнома;
— 3,5x4,5 см. ўлчамдаги 6 та фотосурат;
— паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.



Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел: 234-33-20, факс: 234-07-86.

«ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ» ОАЖ қуйидаги маҳсулот ва хизматларни таклиф қилади:

- МТЗ-80, ТТЗ-80 тракторлари Д-243 двигателини;
\* янги сини ишлаб чиқаради;
\* 1 кун ичида мукамал таъмирлаб беради;
\* барча эҳтиёт қисмларни қайта тиклаб беради.

- Эски, ишлатилган двигателларни ва унинг барча эҳтиёт қисмларини сотиб олади.
Шунингдек:
\* Д-243 двигатели тирсакли вали,
\* Д-243 двигатели шатуни,
\* штангали осма пурақач (опрыскиватель штанговый) ОН-300/10, ОН-600/14, ОН-600/18,

- \* юқори босимда ишловчи шланглар РВД, ф12, ф16, ф20,
\* фекаловоз агрегати РУЖ 3,0,
\* чуқурлатин-юмшатин (углубитель) УР-3 х 0,7,
\* ўқарик очғич КН-1,2,
\* ўқарик ёнғич-текислагич ПН-2,0 ни ишлаб чиқаради,
\* РР-75, РР-80 гидротаксимлагичларни қайта тиклаб, таъмирлаб беради.

Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Далварзин кўргони. Тел./факс: (8-370) 93-51-555, мобил 331-78-15

Вниманию организаций и предприятий! АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ «УЗКУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)

на поставку грузочное оборудование и запчастей для ОАО «Кызылкуммент»

Table with 2 columns: Lot description and Bidder information. Includes lots for control systems, analyzers, servers, and power stations.

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта).

Платежные реквизиты:
АК «Узқурилишматериаллари» - Адрес: г. Ташкент, Миркилова 68
Расчетный счет: 20210000200127064001 SWIFT BIC: UJUZUZ22, UZPROMSTROYBANK TASHKENT, UZBEKISTAN CHIPS UID: 353886

Конкурсные предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Миркилова 68А. АК «Узқурилишматериаллари» Тел: 54-48-39, 152-60-28, факс: 55-77-07, 152-60-28

Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт. Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLARI:

- Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonalar manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 649
8578 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 23.30
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda